

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 17-ҳадис

17 - وَعَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ لَيَمْلِي لِلظَّالِمِ، فَإِذَا أَخَذَهُ لَمْ يُفْلِتْهُ، ثُمَّ قَرَأَ: {كَذَلِكَ أَخْذُ رَبِّكَ إِذَا أَخَذَ الْقُرَىٰ وَهِيَ ظَالِمَةٌ إِنَّ أَخْذَهُ أَلِيمٌ شَدِيدٌ}. متفق عليه.

Абу Мусо розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳ таоло золимга (зулмдан тўхташи учун) муҳлат беради. Агар энди жазолайдиган бўлса, уни жазодан халос этмайди», деб қуйидаги оятни ўқидилар: «Парвардигорингиз (аҳли) золим бўлган шаҳарларни ушлаганида, мана шундай ушлар. Унинг ушлаши - азоби аламли ва қаттиқдир» (Худ сураси, 102-оят).

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ушбу ҳадис ва Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг бошқа шу маънодаги ҳадисларида муҳим нарса- Аллоҳнинг коинотда ўрнатган қонуниятларидан бирига далолатдир. У ҳам бўлса, бировларга ноҳақ зулм қилувчи инсон ҳар қанча узоқ умр кўрмасин, барибир охирида Аллоҳга йўлиқиб, қаттиқ ҳисобга тугилади.

Нима учун шундай?!

Чунки зулм - миллат ва халқларнинг харобликка етакловчи, оила ва хонадонларни абгор қилувчи, виждон ва қалбларни бузувчи йўлдир. Мана шу жиҳатда Қуръони карим оятлари зулм ва зулмга олиб борувчи йўллардан сақланиш хусусида қаттиқ огоҳлантиради. Мана шу ерда Пайғамбар алайҳиссаломнинг золимларга нисбатан қаттиқ таҳдидлари - ваъийдлари ва улар тотадиган Аллоҳнинг аламли азоблари намоён бўлади.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Албатта Аллоҳ таоло золимлардан ғофил эмас.

2. Зулм ҳар қанча узун бўлмасин, унинг ниҳояси Аллоҳ томонидан қаттиқ жазога гирифтор қилинади.
3. Аллоҳ золимни маълум муддат ўз ҳолида қолдириши, уни ҳисобдан, азобдан халос қилади, деган тушунчани бермайди.
4. Муслмон киши Аллоҳнинг берган муҳлати билан овуниб, бемалол бўлиб қолмасдан, балки доимо тавба қилишга ошиқади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI